

Халқ сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 27 июль, № 146 (5820)

Шанба

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

26 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда қўриб чиқдилар.



ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Сийёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган нуқтаи назарлардан келиб чиққан ҳолда, «Фермерлик фаолиятини ташкил этиш янада такомиллаштирилиши ва фермерлик ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

рим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ҳар тарафлама муҳокама қилиниши депутатлар корпусининг алоҳида диққат-эътиборини тортди. Тузатишлар «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг

Солиқ кодексига киритилмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш, шу асосда фермерлар фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш учун зарур шароит яратиш мақсадида ишлаб чиқилди.

ЎзЛиДеП депутатлари Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш Қонунчилик палатасидаги ушбу партия фракцияси фаолиятининг диққат марказида турганини алоҳида таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИРОФ

Яқинда Шанхайда нашр этиладиган «Дунфан Цзаобао» («Шарқ тонги») газетаси саҳифасида Фудань университети Иқтисодийёт мактабининг профессори Цзяо Бифаннинг Ўзбекистонга бағишланган мақоласи эълон қилинди. Унда муаллиф 2013 йилнинг 16-17 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омилли» мавзусидаги халқаро конференциядаги иштирокидан орттирган таассуротларини газетанинг кўп сонли ўқувчилари билан ўртоқлашган.

«Дунфан Цзаобао» Ўзбекистон қишлоқларида замонавий уй-жойларнинг қурилиши ҳақида

«Конференция кун тартибининг муҳимлиги шунда бўлдики, — деб ёзади Цзяо Бифан, — унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сузлади, шунингдек, экспертлар ўртасида сермахсул фикр алмашувлар бўлиб ўтгани баробарида, анжуман доирасида бунёд этилган янги замонавий тураржой массивларига сафарлар ҳам уюштирилди.

2009 йилгача қишлоқ жойлардаги тураржойлар масалаларида биноларни қуришга нисбатан индивидуал ёндашилгани ҳолда, умумий режалаштириш ишлари бўлмаган, янги тураржой қурилиши мавжуд эски уйлар билан қўшилиб кетган

ҳамда бунинг натижасида ижтимоий инфратузилмани, электр узатиш, сув, ҳаво алмаштириш ва бошқа коммунал хизматларни ривожлантириш вазифаси долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган.

Вазиятни тубдан ўзгартириш мақсадида 2009 йили қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастур қабул қилиниб, унга кўра, қишлоқларда янги уй-жойлар қурилишини режалаштиришда куйндаги талаблардан келиб чиқиш жоиз деб топилди:

(Давоми 3-бетда).



ҲАР ҚАРИЧ ЕРИМИЗ ТАБАРРУК

Ўзбекистоннинг ҳар қарич ери табаррук. Ҳар ҳовуч тупроғи — кўза тўтиё!

Йилдан-йилга ҳаётимиз фаровонлашиб бораётти. Байрамлар кетидан байрамлар. Омборларимиз донга тўла. Бозорларимиздан файзу барак аримайди. Бунёдкорлик ишларини-ку асти қўяверасиз. Қишлоқларимиз-чи? Шаҳарлар билан бўйлашяпти бугун. Энг муҳими, одамларимизнинг кайфияти кўтаринки, кўнгли чоғ. Буларнинг барчаси — тинчлик ва осойишталик туйғайли.

Шундай экан, хотиржамлигимизни, мусоффо осмонимизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Айниқса, биз, ҳар-билай зиммасида улкан масъулият бор. Халқимиз миллий армиямизга юртимизни турли таҳдидлардан ҳимоя қилади, ёмон кўзлардан сақлайди, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлайди, деяр юксак шиноч билан қарайди. Айт-тамизки, ушбу шиноччи оқлаша Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ҳам, куч-қудрати ҳам етади.

Ҳар сал «Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан» деган каломни тилга олар эканмиз, билагимиз кучга, юрагимиз қудратга тўлади. Ғайратимиз жўшиб кетади. Бу — Ватан туйғуси. Ана шу туйғу юрагимизда жўшиб туриб турсин, истиқлолимиз абадий, осойиштагимиз барвақом бўлсин!

Азамат КАРИМОВ,
«Содиқ хизматлари учун»
медали соҳиби, сержант.

1991



2013

1993 йил

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқаро почтамати тузилди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида»ги қарор мамлакатимизда яшариш ва янгиланиш айёмини кенг миқёсда нишонланшига замин яратди.

• Президентимизнинг «Хукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонлари эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг буюк олим Мухаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказишга оид қарори қабул қилинди.

• Мамлакатимизда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонун кучга киритилиб, унга мувофиқ, 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини, деб белгиланди.

• Тошкентда Амир Темур ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

• Бухорода буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди.

• Халқаро ФИФА ташкилотининг Лас-Вегас шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтган конференциясида Ўзбекистон футбол федерацияси ушбу футбол ташкилоти аъзолигига қабул қилинди.

Беқийёс имкониятлардан бахраманд авлод



Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида инсонга хос орзу интилишларнинг рўёбга чиқиши, унинг онгли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган икки муҳим омил — моддий ва маънавий олам бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қийсланади. Қачонки улар ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ҳамда жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлиши таъкидланади. Мамлакатимизда истиқлол йилларида баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида жисмоний ва маънавий тарбияга бирдек эътибор қаратилаётганининг моҳиятида ҳам ана шу жиҳат мужас-сам, десак, хато қилмаган бўлаемиз.

(Давоми 4-бетда).

Бугунги кунда юртимизда **1800000** нафардан зиёд бола 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шугулланмоқда.

Очиқлик ва ошкоралик — фаолият мезони

Давлат бошқаруvinинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

Бугун Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ

қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб бориш таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг

очиқлиги тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилгани айни муддао бўлди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши юртимизни демократик ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига қаратилган устувор мақсадларимизга хизмат қилади.

Яқинда Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари салоҳиятини ошириш ва уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги» мавзусидаги семинар-тренингларида ана шулар алоҳида қайд этилди. Ўзбекис-

тон Муस्ताқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Словениянинг «Минтақавий мулоқот» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирларда ушбу вилоятлардаги давлат органлари, жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбар ва ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда 26 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раёсатларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Олий суд ва Олий ҳўжалик суди судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди раислари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган ҳўжалик судлари раислари иштирок этган йиғилишда умум-юрисдикция ва ҳўжалик судлари фаолиятини ўрганиш натижалари таҳлил этилди.

Мажлисида мамлакатимизда фуқаролар, юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар талабларини тизимга тўлиқ жорий этиш борасида айрим камчиликлар йўқ эмас. Шу нуқтаи назардан мажлисида умумий юрисдикция ва ҳўжалик судлари томонидан одил судловни амалга ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, судлар фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумюрисдикция судларининг 2013 йилнинг биринчи ярим йили давомида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти натижалари ҳамда истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, соҳага оид қабул қилинган янги қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу муносабат билан ЎзЛиДеп фракцияси экспертлар ва партия электротириш вакилларининг кенг доирасини жалб этган ҳолда қонун лойиҳасини пухта таҳлил қилиб, унинг натижаларини масъул қўмитага тақдим этди.

ЎзЛиДеп фракцияси аъзоларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси партия сайловчиларининг туб манфаатларига жавоб берган ҳолда фермерлик фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштиришга ва ривожлантиришга қаратилган. Ушбу ҳужжатнинг ЎзЛиДеп томонидан қўллаб-қувватланишининг боиси яна шундаки, мазкур ҳужжат кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш, шу асосда фермерлар фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқий шарт-шароит яратиб беради.

Фермер ҳўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш бўйича танловда фермер ҳўжалиги бошлиғи томонидан кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва пул маблағларини фермер ҳўжалиқларининг устав фондига мажбурий тартибда киритишни назарда тутувчи янги нормани «Фермер ҳўжалиғи тўғрисида»-ги Қонунга киритиш ҳисобига фермер ҳўжалиқларининг устав фондиди шакллантиришни кенгайтириш ҳуқуқи берилишининг муҳимлиги қайд этилди. Бу фермер ҳўжалиқларининг молиявий активларини, қўшимча асосий маблағларини қўпайтириш, гаров капиталини ошириш йўли билан уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шунингдек, кредит ресурсларидан фойдаланишда бекор турган резервларни ишга солишга, маблағларни ҳўжалиқларини капиталлаштириш учун йўналтиришга ва уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга кўмаклашади.

Ўз партияси устуворлиқларидан келиб чиққан ҳолда ЎзДўП фракцияси аъзолари мажлисда қўриб чиқилаётган қонун лойиҳасини қабул қилинишни фермерларнинг механизациялаш даражасини ва рентабелликни оширишдан манфаатдорлигини кучайтиришни билдирдилар. Бунга замонавий технологияларни кенг татбиқ этиш ва қишлоқ ҳўжалиғи хом ашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқаришлар ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектларини барпо этиш ва ривожлантириш эвазига эришилади. Қонун лойиҳасида пахта териш бўйича мавсумий қишлоқ ҳўжалиғи ишларига жалб қилинадиган ходимларни жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилиш назарда тутилган ва мазкур партия вакиллари томонидан алоҳида таъкидланди, зеро, бу мавсумий ишчилар даромадларининг даражаси ошишига олиб келади. Ўз навбатида, буларнинг барчаси аҳолини иш би-

лан таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал қилишни давом эттириш юзасидан қишлоқ жойларда олиб борилаётган ишларга ижобий таъсир кўрсатади, бу эса ЎзДўПнинг мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳўмия қилишни қўпайтиришга қаратилган мақсадига тўлиқ жавоб беради.

Ўз навбатида, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзолари мазкур лойиҳа амалдаги ҳуқуқий нормаларни мамлакатимиз аграр соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган социал-иқтисодий, ижтимоий-

органлари томонидан фермер ҳўжалиқларини давлат томонидан ва бошқача тарзда қўллаб-қувватлашни қўшимча чора-тадбирларини таъминлашга қаратилгандир.

Жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлари фермерлар кенгашлари фермер ҳўжалиқлари манфаатлари йўлида давлолар билдирганда, давлат ва ҳўжалиқ бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганлар давлат назорати органларининг суғурталовчилардан зарур маълумотлар олиш имкониятини назарда тутадими, бу эса суғурталовчиларга суғурта қилдирувчилар, суғурталовчи шахслар ва наф олувчилар, шунингдек, суғурта қилган мол-мулк ва суғурта суммаси тўғрисидаги маълумотларни давлат бошқарувининг тегишли органларига етказиб бериш имконини беради. Мазкур норма суғурта қилдирувчиларнинг суғурта қилиш мажбуриятларига қўшимча киритиш ҳақидаги қонун зарури ахборотдан белгиланган тартибда фойдаланилишини таъминлайди.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этишга ўтиб, депутатлар ушбу қонун лойиҳаси мажбурий суғурта бўйича қонун ҳужжатларига белгиланган мажбуриятлар суғурта қилдирувчилар томонидан бажарилиши устидан давлат бошқаруви тегишли органларининг назоратини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилганлигини қайд этдилар. Бунда киритилаётган туза-тишлар давлат назорати органларининг суғурталовчилардан зарур маълумотлар олиш имкониятини назарда тутадими, бу эса суғурталовчиларга суғурта қилдирувчилар, суғурталовчи шахслар ва наф олувчилар, шунингдек, суғурта қилган мол-мулк ва суғурта суммаси тўғрисидаги маълумотларни давлат бошқарувининг тегишли органларига етказиб бериш имконини беради. Мазкур норма суғурта қилдирувчиларнинг суғурта қилиш мажбуриятларига қўшимча киритиш ҳақидаги қонун зарури ахборотдан белгиланган тартибда фойдаланилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси болаларнинг мажбурий ўн икки йиллик таълим олиши масалаларини тартибга солиш ҳуқуқий механизми янада такомиллаштиришга қаратилган. Мажлис давомида таъкидланганидек, қонун лойиҳасида болаларнинг мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими олишга ота-оналарнинг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг тўққиз йиллик қилган қонун ҳужжатига қўшимча киритиш ҳақидаги қонун зарури ахборотдан белгиланган тартибда фойдаланилишини таъминлайди. Парламент аъзоларининг фикрича, тақдир этила-нган чора-тадбирлар воғга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳўмия қилинишини таъминлаш, умумий ва ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими мажбурийлиги тўғрисидаги талабларни амалга ошириш, болаларнинг умуммажбурий ўн икки йиллик таълим олиши учун ота-оналарнинг жавобгарлигини ошириш имконини беради.

Умуман олганда, қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партия фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари авволлар ва тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бўйича партия дастурлари ва сайловчилар фикрларини инобат олган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нуқтаи назарларини билдирдилар. Қўриб чиқилган барча масала юзасидан Қонунчилик палатаси томонидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йиғилишда таъкидланганидек, 2013 йилнинг биринчи ярмида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 82 мингдан ортиқ иш қўрилиб, уларнинг 84,3 фоизи бўйича ҳал қилув суд қарорлари чиқарилган. Мазкур қарорлар бўйича даъво талабларининг 88,5 фоизи қаноатлантирилган. Бу йўналишда қўрилган ишлар сони 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 4,8 фоиз камайган. Шу жумладан, айрим жиноят турлари, хусусан, ўғрилик, безорилик, гўёивандлик воситалари билан қўрилган хилоф равишда муомала қилиш, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, қасддан баданга шикаст етказиш, талончилик ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш каби жиноятлари учун судланганлик қўрсаткичлари сезиларли даражада камайган.

Ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижада ҳисобот даврида беш миң нафарга яқин шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик қўрилмаган. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан 82 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қолган 1,3 миң нафардан зиёд шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо тайинланган.

Танқидий рўхда ўтган йиғилишда судлар томонидан йўл қўйилган айрим қамчиларни суд қўриқиб бўйсига пултур етказадиган қонун бўлишини ҳолатлари атрофида муҳокама этилди. Судья ва суд ходимларининг маъсулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Одил судловни амалга оширишда судьялар томонидан қонуний ва адолатли суд қорамлари қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтирадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

БУЮК ДАВЛАТ БУЊДҚОРЛАРИМИЗ

Истиқлол туғайли корхонамиз дунёга чиқди. Ишлаб чиқариш жараёни бутунлай янгиланди. Цехларимизга ўрнатилган энг илгор технологияларни қўриб, бугун қўнчиликнинг ҳаваси келяпти. Бари сўнгги русумдаги, компьютерлар орқали бошқарилади. Маҳсулотларимиз сифатини айтмайсизми?! Халқаро талаблар даражасида. Шу боис буюртмачиларимиз кўп. Чет элликлар билан ҳам ҳамкорлик қилаёмиз.

Комбинатимизда ҳозир 27 миң нафардан зиёд одам ишлайди. Уларнинг барчаси малакали мутахассис ва ишчилар. Металлургия соҳасидаги билим ва кўникмаларимизни ривожланган хориж давлатларида ошириб қайтдик. Маҳорат ҳамда тажриба бобида улар билан тенгма-тенг, ҳатто устун эканлигимизни ҳам исботлашга эришдик. Бизни эртанги куннинг таянчи ва суянчи деб, қатта ишонч билдиришяпти. Демак, масъулиятимиз улкан, вазифаларимиз улғу. Бинобарин, озод ва обод Ватан мағрур бўлишни ўргатди. Шундай экан, ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам. Ўзбекистон, шак-шўбасиз, буюк давлат бўлажак. Биз ёшлар бунга қафилмиз.

Ойбек АБДУҚАЮМОВ, Олмалик кон-металлургия комбинатининг Мис эритиш заводи металлургия цехи мутахассиси.



2013

1994 йил

«Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни сифатида нишонлана бошланди.

1994 йил мамлакатимизда «Мирзо Улўбек йили» деб эълон қилинди.

Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида бўлиб ўтган XVII киши Олимпиада ўйинларида халқаро тоифадаги спорт устаси Лина Черязева голибликни қўлга киритиб, қишки олимпиадалар тарихида биринчи марта чемпион шарафига мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси янгради.

Пойтахтимизда Олий Кенгагининг навбатдаги сессиясида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини жорий қилиш ва «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденларини, «Жасорат», «Шуқрат» медалларини таъсис этиш тўғрисидаги муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик, ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

Президентимиз «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

Мамлакатимизда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси фаолияти йўлга қўйилди.

Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган XII Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар 10 та олтин, 11 кумуш ва 19 та бронза — жами 40 та медални қўлга киритдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Семинар-тренинглarda Ўзбекистон сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти оқчилиги ва ошқоралигини таъминлашнинг янги механизмлари ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг оқчилиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётгани ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда айна мўддао бўлаётгани таъкидланди.

Муҳбирларимиз ушбу семинар-тренинглар доирасида жойларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг оқчилигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг бориши хусусида иштирокчилар фикри билан қизикди.

Ғолиб ҲАСАНОВ, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири ўринбосари:

— «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг оқчилиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларига мувофиқ оммавий ахборот воситаларида ошқор этилиши (эълон қилиниши) белгилаб қўйилган. Табиийки, бу оммавий ахборот воситаларининг аҳоли ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида кўпирчи вазиқасини ўташни тақозо этади. Ушбу талабдан келиб чиқиб, булунги кунда газетамизда вилоят ҳокимлиги, ҳокимлик тизимидаги бошқарма ва идораларнинг фаолияти ҳақида ахборот ҳамда таҳлилий мақолалар бериб боришмоқда. Вилоят ҳокими томонидан қабул қилинаётган қарор ва бошқа ҳужжатлар тегишли тартиб асосида газетамизда эълон қилинапти.

Бошқаруви органлари фаолиятини амалга ошириш, улар фаолиятиндан аҳолини ўз вақтида хабардор этиб бориш мақсадида ҳар чоракда вилоят ҳокими ва ўринбосарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ҳудудий дастурлар ижроси юзасидан чиқишлари ташкил этилган. Шунингдек, вилоят бошқарма ва идоралари раҳбарларининг аҳоли билан газета орқали мулоқоти уюштирилмоқда. Унга қўра, тегишли идора ва таҳририят телефон рақами газетамизда эълон қилиниб, ўн кун давомида аҳолидан саволлар жамланади. Сўнгра ушбу саволларга раҳбарнинг жавоблари газета-

да чоп этилади. Бундан ташқари, газетамизда «Алло, таҳририятми?!», «Хат таҳрирсиз босилмоқда» рунқлари ташкил этилган бўлиб, унда муштарийлар томонидан билдирилган тақлиф ва истақлар, жойларда кўзга ташланаётган камчилик ва нуқсонлар ёритилади. Жорий йилда вилоятда юқорида қайд этилган қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиладиган муносабат билан ушбу йўналишдаги ишлар яна ҳам кенг қўламада, қонун лойиҳаси меъёриларига мослаштирилган ҳолда олиб боришмоқда.

Газетамизда эълон қилинаётган материаллар бир вақтнинг ўзига интернетдаги Zame.uz сайтимизда ҳам жойлаштирилади. Қонун лойиҳасининг 15-моддасига қўра, оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш, шунингдек, мансабдор шахсларнинг интервью беришларини ташкил қилиш тўғрисидаги сўрови етти кундан ошмайдиган муддатда қўриб чиқилиши белгиланган. Мазкур норма асосида шу пайтгача вилоятдаги бир қатор туман, шаҳар ҳокимларига хат юборилиб, белгиланган муддат ичида жавоб олинган ҳолда, уларнинг мақолалари газетамизда эълон қилинди. Шу пайт-

гача Пастдарғон, Самарқанд, Булунгур туманларидан жавоб хатлари олинди.

Алимардон РАҲМАТУЛЛАЕВ, Самарқанд шаҳар ҳокимияти ахборот хизмати раҳбари:

— Бугунги кунда ҳуқуқий эксперимент субъектлари бўлган барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хизмати раҳбарлари ҳамда маъсул ходим лавозимига кадрларни талаш ва тайинлаш, улар фаолиятини таҳлил қилиб бориш, қонун лойиҳаси талабларига мувофиқ, уларнинг хизмат хоналарини моддий-техник жиҳатдан жиҳозлаш чоралари қўришмоқда. Ушбу талаблар асосида шаҳарнинг эксперимент субъектларининг аксариятида ахборот хизматиға маъсул ходимлар тайинланди. Хусусан, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ва ҳокимлик тасарруфларида ваколатли органлар томонидан аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш борасида амалга ошираётган ишлар, кенг қўламли ишловотлар, қабул қилинаётган қарор ва фармойишлар мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига самарали етказиш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг ошқоралиги, оқчилиги ва оммавий-

лиги ҳамда ахборот олиш ва тарқатиш эркинлигини таъминлаш мақсадида ахборот хизмати ташкил этилди. Шаҳар ҳокимияти ахборот хизмати учун алоҳида хона ажратилиб, зарур техника воситалари билан таъминланди.

Шунингдек, ҳуқуқий экспертирининг барча материаллари шаҳар ҳокимлигининг www.samarqand.samarqand.uz сайтига жойлаштириб боришмоқ-

да»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ҳақида борар экан, у экспериментдан ўтиб, амалиётга жорий этилса, ахборот хизматининг мақсад ва вазифалари янада ойдинлашиб, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг оқчилиги кенгроқ даражада таъминланган бўлади. Семинар-тренинг якунида шунга бўлган ишончимиз мустаҳкамланди. Тадбирда биз, ахбо-

рот хизмати ходимлари фаолиятини самарали юритишга доир қатор фойдали тавсиялар берилди. Эътиборлики, ҳуқуқий таҳриба барча давлат бошқаруви органлари ахборот хизматлари қатори солиқ идорасининг ахборот хизмати фаолиятига ҳам ижобий таъсири ўтказди. Чунонинг, Давлат солиқ қўмитасининг махсус электрон сайти мунтазам ишлаб турибди. Сайтда бошқарма мизнинг ҳам ўз саҳифаси бор. Улардаги маълумотлар мунтазам янгилашиб боришмоқда. Бундан ташқари, солиқ тизимида ташкил этилган йиғирмадан ортиқ интерфаол хизматлар ахборот олиш ва тарқатишда тезкор ва ишончли манба вазиқасини ўтамоқда. Бошқармага таъриф буюрадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олишлари, ундан фойдаланишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят давлат солиқ бошқармаси ва унинг ҳудудий давлат солиқ инспекцияларига фуқаролардан жами 176 та бёма мурожаат келиб тушди. Белгиланган тартиб бўйича уларнинг 56 таси қаноатлантирилди, 103

тасига тушунтириш берилди, 18 таси тегишли органларга юборилди, 7 таси рад этилди, қолган 10 таси айна дамда қўриб чиқилмоқда.

Сулaimон ҲўЖАЕВ, Бухоро вилояти бошқаруви ахборот хизмати раҳбари:

— Семинар-тренинг бизнинг хизмат вазиқамиз тўғрисидаги тушунча ва тасаввурларимизни кенгайтирди. Зимамиздаги маъсулиятни янада теран англашимизга туртки берди. Негаки, халқ ҳўжалиғи, жумладан, касб-ҳўнар таълими тизимида амалга оширилаётган ишловотлар самарасидан жамоатчиликни ўз вақтида хабардор этиб боришда, юз бераётган янгиликларни оммага етказишда биздан юмда катта маъсулият талаб қилинади. Семинар-тренинг машғулотлари чоғида тренер ва экспертлар масаланинг айна шу жиҳатига эътиборни қаратдилар. Натижада бизда оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳамкорлик қилиш борасида маълум бир қўнжма шаклланди. Бу эса, табиийки, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг оқчилиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси синови талабларига мос тушадди. Бугунги кунда бизнинг бошқармаимиз томонидан ҳам мазкур қонун лойиҳаси талаблар асосида изчил ишлар олиб боришмоқда. Фаолиятимиз юзасидан фуқароларга, жамоат ташкилотларига ҳамда оммавий ахборот воситалари сўровлари асосида тегишли ахборотларни тақдим қилиб келяпимиз. Бунда, айниқса, интернет имкониятларидан кенг фойдаланишмоқда. Буларнинг барчаси ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти хусусида ахборотларни олишларига, фаолиятимизда оқчилигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамодий ЗИЙДИНОВ, Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Масъул муҳаррир

«Дунфан Цзаобао»

Ўзбекистон қишлоқларида замонавий уй-жойларнинг қурилиши ҳақида

(Давоми. Бошланғич 1-бетада).

